

АҚШда «Қадр-қиммат» куни кенг нишонланди



17:01 / 18.10.2021 1466

Ўтган ҳафтанинг шанба куни АҚШда мусулмон аёллар «Қадр-қиммат» кунини кенг миқёсда нишонлади. Унда муслима аёллар учун махсус байрам тадбирлари уюштирилди. Нью-Йоркда юзлаб муҳтож бўлган одамларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди, иш юритиш буюмлари, дори-дармонлар олишди, шунингдек, шифокор ва сартарош хизматидан бепул фойдаланишди.

«Қадр-қиммат» кунининг мақсади мискин ва камбағалларга ёрдам бериш, уларнинг ҳолидан хабар олиш ҳамда керакли нарсалар билан таъминлашдир.

«Бизнинг устувор вазифамиз — муҳтожларга ёрдам бериш ва жамиятга энг яхши тарзда хизмат қилиш учун бирлашиш», дейди София Абдулқавий

Умуман, хайрия акцияси доирасида 300 дан ортиқ кишига ёрдам кўрсатилди.